БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 134 (881)

5 ИЮЛЬ ЖУМА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Ўзбекистон коммунистлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг Қарорини қизғин маъқулламоқда ва бирдамлик билан қувватламоқда.

Москва шаҳар партия ташкилоти партия активининг йиғилиши

Иккинчи июлда пойтахт партия активининг йиғилиши бўлди. Катта Кремль Саройининг мажлислар залида 400 минг кишидан кўпроқ аъзоси бўлган Москва шаҳар партия ташкилотининг 2.800 га яқин вакили тўпланди.

КПСС Марказий Комитети ва Москва шаҳар комитетининг секретари Ўртоқ Е. А. Фурцева КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Г. М. Маленков, Л. М. Каганович ва В. М. Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисида»ги қарори ҳақида доклад қилди. У, партия Марказий Комитетининг 22-29 июнда бўлиб ўтган Пленумининг қилган ишларини, бу Пленумда Маленков, Каганович ва Молотов ўртоқларнинг КПСС Марказий Комитети Президиумида партияга қарши тузилган группаси тўғрисидаги масала муҳакама қилинганлигини айтиб берди. Марказий Комитет Пленуми, деди Ўртоқ Фурцева, партиямиз сафларининг бирлиги тўғрисидаги ленинча қонунни эсда тутиб, партияга қарши бўлган ва партиянинг орасини бузиш, унинг бош йўлини ўзгартириш мақсадида иш олиб борган бу группани қатъиян қоралади.

Докладда партия ва халқдан ажралиб қолган бу бузғунчиларнинг партияга қарши группаси томонидан қилинган авантюристик ҳаракатлар муфассал айтиб берилди, партия Марказий Комитетининг жипслиги ва юксак даражада ленинча принципиаллиги қайд қилинди. Ўртоқ Фурцева йиғилиш қатнашчиларини КПСС Марказий Комитетининг Қарори билан таништирди, партия активи бу Қарорни қизғин маъқуллаб кутиб олди.

Ўртоқ Фурцева ўз докладининг охирида Марказий Комитет Пленумининг партияга қарши группа тўғрисидаги Карори партия ташкилоти томонидан маъқулланади ва ленинчи партиямиз сафларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, унинг раҳбарлигини мустаҳкамлайди, деб ишонч билдирди. Москва партия ташкилоти партия Марказий Комитетининг ҳамиша содиқ таянчи бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўртоқ Е. А. Фурцева доклади юзасидан бўлган музокараларда 18 кишн сўзга чиқди. Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини яқдиллик билан маъқуллаблилар. Маленков, Каганович, Молотовларнинг ҳамда уларга қўшилган Шепиловнинг партияга қарши фаолиятини газаб билан қораладилар. Партия активи йиғилишида сўзга чиққанларнинг айтган гаплари Москва партия ташкилоти сафларининг бирлигини, ленинчи Марказий Комитет теварагига жипслашганлигини кўрсатувчи ёркин намойиш бўлди.

Лихачев номидаги автомобиль заводи парткомининг секретари Ўртоқ А. И. Фатеев ўз нутқида айтдики. Маленков, Каганович, Молотовларнинг партия сафларига нифоқ солиш мақсадида қилган ҳаракатлари Марказий Комитет Пленумида нақадар қаттиқ қораланган бўлса, бутун партия томонидан ҳам шундай қаттиқ қораланади. Маленков, Каганович ва Молотов Ўртоқлар оммадан ажралиб қолиб, Марказий Комитетнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам, шунингдек ташқи сиёсат соҳасида ҳам ўтказиб келаётган барча муҳим тадбирларига шубҳа билан қарадилар ва бу тадбирларга тўсқинлик қилдилар.

Сўнгра, Ўртоқ Фатеев дедики, Марказий Комитет Пленумининг партияга қарши группа тўғрисидаги карори коммунистларни бутун партиявий ишларни яхшилашга, уларнинг активлигини ҳамда партия қарорларини бажариш учун бўлган жавобгарликларини оширишга тагин ҳам кўпроқ сафарбар қилади. Нотиқ ўз нутқининг охирида, автомобиль заводининг кўп минг кишилик партия ташкилоти Марказий Комитетнинг бундан буён ҳам содиқ таянчи бўлиб қолади, деб йиғилиш қатнашчиларини ишонтирди.

КПСС Дзержинский район комитетининг секретари Ўртоқ А. Н. Никифоров дедики, партияга қарши группа аъзолари ўзларининг ўтмишдаги обрўларига ишондилар, кенг кўпчилик бизни қўллаб-қувватлайди, деб ўйладилар, лекин уларнинг умиди бутунлай пуч бўлиб чиқди, чунки улар ўз обрўларини ўзлари йўқотиб қўйдилар. Совет кишилари эса, партия бирлигига қарши чиқиб, фракция кураши олиб боришдан -иборат жиноят йўлига тушиб олувчиларни ҳеч қачон қўллаб-қувватламайди.

Москва—Рязань темир йўли Москва — Сортировочная депосининг старший машинисти В. Г. Блаженов сўзга чиқиб, бундай деди:

— Партиямиз сафларини бузишга, унинг қалбига хоинона зарба беришга уринган Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси қилган ҳаракатлар ҳаммада чуқур газаб ҳисларини қўзғатади. Партиядан, халқдан ажралиб қолган, мамлакатдаги ҳақиқий аҳволдан бехабар бўлган бу группа партиянинг ва партия Марказий Комитетининг бутун ишини ревизия қилишга уринди.

Ўртоқ Блаженов ўз нутқини қуйидаги сўзлар билан тамомлади.

— Мен паровоз машинистиман, ишчиларимизнинг дардини биламан. Ленинчи Марказий Комитетнинг партияга қарши группани фош қилган қарорини маъқуллаб ва қувватлаб, бу билан фақат ўз фикримнигина билдириб қолмасдан, шу билан бирга партиядош, меҳнатдош ўртоқларимнинг фикрини ҳам билдираман. Ижодий кучларга тўлиб-тошган халқимиз Коммунистик партия раҳбарлиги остида, унинг ленинчи Марказий Комитети бошчилигида коммунизм сари бормоқда ва коммунизмнинг тантанасига асойдил ишонади.

Фрунзе номидаги фабрика директори ёш коммунист Ўртоқ С. П. Леонова қаҳрамонлиқ ишчи нутқ сўзлади. Партияни мустаҳкамлаш, яратувчилик ишчиларнинг ҳамма соҳаларида партиянинг раҳбарлик ролини кучайтириш нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги равшан эмасми, ахир, — деди Ўртоқ С. П. Леонова. — Партия сафларининг монолит бирлиги, жипслиги бўлганидагина, партия интизомига қаттиқ риоя қилинганлигида шундай бўлиши мумкин. Шу сабабли, Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси томонидан қилинган бузғунчилик ишлари ҳаммани газаблантирмоқда. Халқ ва партия ишониб қўйган бу одамлар партияга қарши йўлдан бордилар. Улар партия Уставини поймол қилиб, партиянинг сиёсий йўлини ўзгартирмоқчи бўлдилар, лекин улар бунга муваффақ бўла олмадилар ва муваффақ бўла олмас эдилар.

Ўртоқ Леонова партия Марказий Комитетининг мамлакат экономикасини, халқнинг турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган тадбирлари тўғрисида гапириб, дедики, бу тадбирлар барча меҳнаткашлар томонидан яқдиллик билан маъқулланди, уларнинг ижодий кучларини янада кўпайтирди. Мисол учун бизнинг фабрикани олиб кўрайлик. Фабрика коллективининг меҳнат унумдорлиги фақат кейинги икки йилнинг ўзида 25 процент ошди, ишчиларнинг иш ҳақи анча кўпайди, кўп оилалар янги квартираларга кўчиб киришлар. Шунинг учун ҳам ишчилар йиғилишларда ва суҳбатларда партия тадбирларини, унинг сиёсатини қизғин суратда маъқуллаётганлар. Партияга қарши группа партия сиёсатини ўзгартиришга интилганида оммани уни маъқуллаши мумкинми эди? Бу группа одий коммунистлардан, халқдан шу қадар ажралиб қолган эдики, ҳатто совет кишилари учун партия йўли уларнинг жонажон иши бўлиб қолганлигини ҳисобга ола олмади. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партияга қарши бу группанинг жиноий ишларини ўз вақтида донишмандлик билан фош қилиб ташлади.

Москва заводларидан бирининг директори Ўртоқ П. А. Воронин минбарга чиқади.

— Партия XX съездидан кейин фақат 16 ой вақт ўтди, — деди у, — мана энди биз совет халқининг XX съезд қарорларини зўр ғайрат билан бажарибгина қолмасдан, шу билан бирга, съезд белгилаб берган хўжалик қурилиши программасини муддатидан олдин амалга оширмоқ учун ўзининг бутун кучини сарф қилаётганлигини ҳам кўриб турибмиз.

Халқимизнинг бу ғайратини бутунлай кўр кишиларгина пайқамасликлари мумкин. Бугун биз, деб давом қилди Ўртоқ Воронин, Ўртоқ Фурцеванинг докладини эшитиб, Маленков, Каганович ва Молотовларнинг нақадар юзтубан кетганликларини билиб олдик. Бу группа партиянинг сиёсий йўлини ўзгартириш мақсадида партия раҳбар органлари составини партияга қарши фракция методлари ёрдами билан алмаштиришга ҳаракат қилган. Ҳақиқатда бу группа давлат тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашларини таъминлашга қаратилган ленинча йўлга қаршилик кўрсатишга уринган. Партияга қарши группа қатнашчилари ўзларини партиядан ва халқдан ажратиб қўйдилар.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Н. И. Бобровников, А. Н. Косигин, Н. К. Байбаков Ўртоқлар Марказий Комитет Пленумининг иши тўғрисида гапириб, Пленум қатнашчилари партиянинг ленинча бирлигини ҳимоя қилишда, Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси олиб борган жиноий ишларни фош қилишда яқдиллик кўрсатганликларини уқтириб ўтдилар. Нотиқлар бу группа аъзоларининг нифоқ солиш мақсадидаги ҳаракатларига муфассал тўхталдилар.

Йиғилишда Н. А. Булганин, М. Г. Первухин ўртоқлар, СССР Бош прокурори Ўртоқ Р. А. Руденко, Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Ўртоқ К. Д. Петухов ва бошқа Ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев актив йиғилишида катта нутқ сўзлади. Уни йиғилиш қатнашчилари гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Шаҳар партия активи йиғилиши томонидан бир овоздан қабул қилинган резолюцияда бутун Москва шаҳар партия ташкилотининг фикри ифодаланиб, партия Марказий Комитети Пленумининг ленинчи партия сафларини янада жипслаштиришга, партия раҳбарлигини мустаҳкамлашга, партиянинг бош йўли учун курашга қаратилган Карори яқдиллик билан маъқулланди ва тўла равишда қўллаб-қувватланди.

Партия активи Маленков, Каганович, Молотовларнинг ва уларга қўшилган Шепиловнинг партияга қарши группаси томонидан олиб борилган фракциячилик ҳаракатларини газаб билан қоралади.

Пойтахт партия активи йиғилиши партияга қарши группани яқдиллик билан қоралаган барча Марказий Комитет аъзоларининг ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатларнинг, Марказий ревизия комиссияси аъзоларининг монолит бирлигини ва жипслигини мамнуният билан қайд қилди.

Пойтахт партия активи КПСС Марказий Комитети Пленумининг Маленков, Каганович ва Молотов Ўртоқларни Марказий Комитет Президиуми аъзолари составидан ва Марказий Комитет составидан чиқариш ҳамда Ўртоқ Шепиловни КПСС Марказий Комитети секретарлиги вазифасидан олиб ташлаш ва Президиум аъзолигига кандидатлар составидан ҳамда Марказий Комитет аъзолари составидан чиқариш тўғрисидаги қарорини маъқуллади.

Партия активи йиғилиши КПСС Марказий Комитетини Москва шаҳар партия ташкилоти ўз сафларини тагин ҳам маҳкам жипслаштирди ва марксизм-ленинизмнинг енгилмас байроғи остида коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда янги муваффақиятларга эришади, деб ишонтирди. (ТАСС).

Улуғ Октябрь 40 йиллиги шарафига

Мирзачўлда катта-катта саноат корхоналари, уй-жой бинолари, сув иншоотлари каби қурилишлар тез суръат билан олиб борилмоқда. Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир совет киши ва ҳар бир совет жамоат ташкилотининг шарафли ишига айланди.

Шу кунларда пойтахт саноат корхоналарининг ишчи ва инженер-техник ходимлари Мирзачўл ерларини тезрок ўзлаштириш ишига кўмаклашиш учун астойдил ишламоқдалар. Кабель, лак-бўёқ, арава-созлик заводи ва бошқа кўпгина корхоналар Мирзачўл учун ҳар хил маҳсулотлар тайёрлаб бермоқдалар.

Ильич номли руда-ремонт заводининг ишчи ва хизматчилари ҳам бу ишда намуна кўрсатмоқдалар. Давлат планини доимо ошириб бажараётган бу корхона коллективи Мирзачўл ерларини ўзлаштирувчиларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Завод коллективи Киров номли каналда қурилаётган сув иншоотн учун металл конструкциялар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ҳозир бу янги маҳсулотлардан кўплаб тайёрлаб берилмоқда. Яқинда сув тўғонларини қуриш учун зарур бўлган турли хил ускуналарнинг бир неча комплекти тайёрлаб берилди. Бу заказларни ўз вақтида сифатли қилиб бажаришда меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Ўртоқ Королев бошлиқ механика цехи ва Ўртоқ Явич бошчилик қилаётган қуюв цехларининг ишчилари алоҳида ташаббус кўрсатдилар.

Завод коллективи шонли Октябрнинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж оллириб. Мирзачўл қурилишларига сентябрь ойигача 13 комплект ускуна, йил охиригача эса яна 8 та электроподъёмник ва 4 дона икки винтли катта подъёмник тайёрлаб бериш мажбуриятини олди.

Республика партия активининг йиғилиши

3 июлда Навоий номидаги ўзбек опера ва балет театри биносида Ўзбекистон Компартияси партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда 1300 киши қатнашди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Н. А. Муҳитдинов «КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг якунлари ва Ўзбекистон Компартиясининг вазифалари» ҳақида доклад қилди.

— КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми,—деди Ўртоқ Муҳитдинов,— КПСС XX съездининг тарихий қарорларини оғишмай бажариш, партия бирлигини ва унинг жанговар сафларини, партиянинг омма билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, бутун партияни ленинча Марказий Комитет теварагида янада маҳкам жипслаштириш белгиси остида ўтди.

Пленум партия раҳбарлигининг ленинча принципларига, партия ҳаётининг ленинча нормаларига партиямизнинг содиқлигини яна бир марта кўрсатди. Пленум Марказий Комитетимизнинг сиёсий йўлини, унинг кейинги 3-4 йил ичида ички вазифалар соҳасида ҳам, шунингдек халқаро муносабатлар соҳасида ҳам ишлаб чиққан сиёсатини зўр хурсандлик билан, тўла яқдиллик билан маъқуллади.

Пленум ишларида, унинг қарорларида партия раҳбар кадрларининг етуклиги, партия сафларининг жипслиги, монолитлиги, марксизм-ленинизмнинг ўлмас таълимотига содиқлиги яққол намоён бўлди.

Докладчи КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Г. М. Маленков, Л. М. Каганович, В. М. Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисида»ги қарори ҳақида гапириб, фитначилар ва уларга қўшилган Д. Т. Шепилов ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олишни ва партиянинг ташкилий раҳбарлигини ўзгартиришни, партиянинг бутун ташқи ва ички сиёсатини тубдан ўзгартиришни, партияни Ленин йўлидан тойдиришни, ўтмишда ҳукмрон бўлиб келган ва КПСС XX съезди қоралаган эски тарибларни ўрнатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганликларини уқтириб ўтди.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитети Президиуми ичида партияга қарши тузилган группани батамом фош қилиб ташлади ва гор-мор келтирди. Бизнинг партиямиз Ленин принципларига асосланган партиядир. Халққа ва Коммунистик партиянинг улуғ мақсадларига хизмат қилиш ўрнига, ўзларининг шахсий амалпарастлик мақсадларини олдинга сурувчи фракциячиларга, бузғунчиларга, амалпарастларга ва шу каби шахсларга қарши бизнинг партиямиз ҳамиша курашиб келган ва бундан буён ҳам кураша беради.

Ўртоқ Н. А. Муҳитдинов совет халқининг халқаро муносабатлар соҳасида, мамлакат экономикасини ва маданиятини ривожлантиришда, КПСС XX съезднинг тарихий қарорларини амалга оширишда эришган жуда катта муваффақиятларини айтиб ўтди.

Партиямиз саноатни ривожлантириш соҳасида олиб борган ўз ишида Ленининг бутун халқ хўжалиги асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш тўғрисида берган кўрсатмаларига ҳамиша амал қилиб келди.

Кейинги йилларда партиямиз Марказий Комитети оғир саноатни янада ривожлантиришга бераётган ўз эътиборини тагин кўчайтирди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, саноат масалалари КПСС Марказий Комитетининг 1955 йил июль ойидаги Пленумида, 1956 йилдаги декабрь Пленумида ва 1957 йилдаги февраль Пленумида муҳокама қилинди. КПСС XX съезди ҳам саноат масалаларига катта эътибор берди. Саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил этиш масаласи бир неча ой мобайнида умумхалқ томонидан муҳокама килинди ва СССР Олий Советининг сессиясида махсус кўриб чиқилди.

Бу тадбирлар ўз натижаларини берди. Электр қуввати ишлаб чиқариш 1950 йилдан то 1953 йилга қадар ҳар йил ўрта ҳисоб билан 13-15 миллиард киловатт соат кўпайиб келган бўлса, 1953 йилдан то 1956 йилга қадар йилига 20 миллиард киловатт соатдан кўпайди.

Мамлакатда саноат ялпи маҳсулотини чиқариш 1950 йилдан 1953 йилга қадар 45 процент кўпайган бўлса, 1953 йилдан то 1956 йилга қадар 60 процент кўпайди.

Партия саноат ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш ва капитал қурилишни яхшилаш соҳасида қунт билан иш олиб бораётганлиги натижасида саноат маҳсулоти чиқариш анча кўпайди, қурилиш муддатлари қисқарди, ишлаб чиқариш объектларини ишга туширш жадаллашди, мамлакатда уй-жой бинолари қуриш ғоят авж олиб кетди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муваффақиятлар ҳам жуда катталиг. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кескин равишда юксалтириш масалалари КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида неча марталаб муҳокама қилинди. Аслини олганда Марказий Комитетнинг сентябрь Пленуми (1953 йил) мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни яхшилашда бурилиш бошлаб берди. Партия қўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш учун умумхалқ курашини авж олдирди. Натижада уч йил ичида 35 миллион гектар қўрик ва бўз ер ўзлаштирилди. Мамлакатда етиштирилаётган галла шу муддат ичида 2 миллиард 153 миллион пуд кўпайди. Техника экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайтирилди.

Қишлоқ хўжалигини планлаштириш практикасини ўзгартириш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Бу қарор колхозчи деҳқонларнинг ташаббусига жуда кенг йўл очиб берди ҳамда колхозчиларнинг меҳнат активлигини юксалтиришни, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришни таъминлади.

Колхозлар, совхозлар ва МТСлар яхши тайёргарлиги бўлган малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Тайёрланаётган ва харид қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига оширилган нархлар белгиланди. Чунончи, пахта нархини ошириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги натижасида фақат Ўзбекистоннинг ўзидагина пахтакорлар ўтган йил 1 миллиард сўмдан кўпроқ соф манфаат кўрдилар. Қишлоқ хўжалиги солиги олиш тартибга солинди. Бир қанча солиқлар бекор қилинди.

Аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштириш жиҳатидан якин йиллар ичида АҚШга етиб олиш тўғрисида партия томонидан қўйилган шиорни совет кишилари қизғин суратда қувватладилар ва бу шиор шу катта вазифани ҳал қилиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириб юборди.

Ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи анча мустаҳкамланди. Бу иттифоқ эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда асосий фактордир.

Партия давлат, партия ва хўжалик ташкилотларидаги ортиқчаликларга қарши катта кураш олиб борди, бунинг натижасида давлат аппаратларидан бўшаб қолган 1 миллиондан кўпроқ кишининг кўпчилигини ишлаб чиқаришга юбориш мумкин бўлди. Шу билан бир вақтда муассасаларда ва корхоналарда бюрократизм ҳамда сансалорлик кўринишларига қарши кураш кучайтирилди.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг ва СССР Олий Совети VII сессиясининг қарорларига мувофиқ, саноат ва қурилишни бошқаришнинг ташкилий формалари қайта қурилаётганлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу қайта қуриш, шунингдек иқтисодий-маъмурий районларда Халқ хўжалиги кенгашлари тузиш йўли билан раҳбарликни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш корхоналарга тагин ҳам конкретроқ раҳбарлик қилишга, идоравчилик тўсиқларини олиб ташлашга имкон беради, ҳар қайси республика, область ва районда бўлган жуда катта табиий бойликлардан ва ишлаб чиқариш имкониятларидан тагин ҳам тўлароқ фойдаланиш учун кенг майдон очиб беради. Бу қайта қуриш ишлаб чиқаришни бошқаришда омманинг тагин ҳам кенг қатнашувини таъминлайди.

Совет халқи бу тадбирларда социализм мамлакатининг ўсиб бораётган иқтисодий қудрати яққол ифодаланаётганлигини, коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо қилиш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг муттасил қилаётган гамхўрлигининг янги кўринишн намоён бўлаётганлигини кўриб турибди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги зўр куч билан юксалаётганлиги асосида халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси тўхтовсиз ўсмоқда.

Чунончи, СССРда миллий даромад 1956 йилда 1950 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар ошди. Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи 1950 йилдан то 1956 йилга қадар қарийб бир ярим баравар кўпайди. Шу давр ичида колхозчиларнинг ҳар бир ишловчига тўғри келаётган пул ва натура даромадлари қарийб 1,7 баравар ўсди. Колхозларнинг пул даромади 1940 йилдан то 1953 йилга қадар тахминан 30 миллиард сўм миқдорида, 1953 йилдан 1956 йилга қадар эса 44 миллиард сўм миқдорида кўпайди.

Товар оборати сезиларлик равишда ўсди. Мамлакатда давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборати 1950 йилдан то 1953 йилга қадар 71 миллиард сўм миқдорида кўпайган бўлса, 1953 йилдан то 1956 йилга қадар 116,5 миллиард сўм миқдорида кўпайди. Овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш аҳоли жон бошига ҳисоблаганда анча кўпайди.

Иш кунини қисқартиш, пенсияларнинг миқдорини кўпайтириш, кам ҳақ тўланадиган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини оширш, мактабларда ўқиш учун тўланадиган ҳақни бекор қилиш, хотинларга бериладиган ҳомиладорлик отпускаларининг муддатини кўпайтириш, давлат заёмлари чиқаришни тўхтатиш ва шу кабилар соҳасида партия томонидан амалга оширилган тадбирлар совет кишиларининг моддий фаровонлигини ҳар томонлама яхшилаш тўғрисида партиянинг тинмай гамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи далилдир.

Ташқи сиёсат соҳасида Совет ҳукумати тинчлик ва халқаро ҳамкорлик сиёсатини изчиллик ва қунт билан ўтказиб келмоқда, халқаро кескинликни юмшатишга ҳаракат қилмоқда. Социалистик давлатларнинг қардошларча бузилмас ҳамкорлиги ўсиб, мустаҳкамланмоқда, бу ҳамкорликни душманларимизнинг ҳеч қандай кирдикорлари бўшаштиролмайди. Венгриядаги контрреволюцион исёнининг тор-мор келтирилганлиги буни яққол кўрсатди.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқи Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кўпгина чора-тадбирлар кўрди.

Ўртоқ Муҳитдинов шахсга сиғиниш, догматизм ва қироатхонлик марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантиришга катта зарар етказганлиги ҳақида сўзлаб дедики, марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантириш белгиси остида ўтган КПСС XX съезди тарихий ривожланишнинг ҳозирги замондаги боришини чуқур анализ қилиб, революцион назарияни янги ҳулосалар ва қоидалар билан бойитди.

Партиямиз халқаро турмушнинг бир қанча принципиал масалаларини: социал-сиёсий тузумлари турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши мумкинлиги, ҳозирги даврда урушларнинг олдини олиш мумкинлиги, марксизм-ленинизм таълимотидаги асосий ва бош қоидага — пролетариат диктатураси, партиянинг раҳбарлик кучи, пролетар интернационализми тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формаларига доир масалаларни янгичасига кўйди.

Партиямиз ишлаб чиққан ва КПСС XX съезди маъқуллаган бу назарий қоидалар коммунистик ва ишчи партияларнинг меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилиб, актив ҳаракат қилишлари учун янги перспективалар очиб берди ва жаҳон социалистик системасининг кучларини, халқаро ишчилар ҳаракатини янада бириктириш соҳасида жуда катта роль ўйнади ва барча қардош партияларни марксизм-ленинизмнинг ғоявий байроғи остида жипслаштиришга ёрдам бермоқда.

Партия ички ҳаёти соҳасида раҳбарликнинг ленинча принциплари— коллегиаллик ва партия ички демократияси тўла равишда тикланди. Коммунистларнинг, маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотларининг ғашаббус кўрсатиб ишлашлари учун кенг йўл очиб берилди.

Шаҳар ва район партия комитетларининг структураси ўзгартирилди. Шаҳар ва район комитетлари хўжалик билан яхшироқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар, раҳбар органлар — иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, область: шаҳар ва район партия комитетлари малакали, яхши тайёрланган, интернационал руҳда тарбияланган кадрлар билан анча мустаҳкамланди.

Партия халқ билан яна ҳам яқинлашди, унинг сафлари аввало ишчилар ва колхозчилар ҳисобига анча кенгайди. Ўзбекистон партия ташкилотида 1952 йилда партия кандидатлигига қабул қилинганлар орасида ишчилар атиги 11,3 процент, хизматчилар эса 56,5 процент бўлган бўлса, 1956 йилда партия кандидатлигига қабул қилинганлар орасида ишчилар 25,3 процент, хизматчилар 37 процент бўлди.

Кейинги йилларда партия, хўжалик ва совет раҳбар ходимларининг янги кадрлари ўсиб етишди, уларнинг умумий, сиёсий ва техника савиялари ошди.

Маҳаллий Совет органларининг активлиги анча кучайди, маҳаллий Советларнинг сессияларини чақиришда Конституцияда белгиланган муддатларни қўпол равишда бузиш ҳолларига ҳотима берилди. Республика Олий Совети сессиялари ҳам белгиланган муддатда ўтказиладиган бўлиб қолди.

Партия ва давлат раҳбарлиги ленинча принципларига содиқ бўлган партиямизнинг Марказий Комитети революцион қонунчиликни қатъият билан тиклаб олишга ва социалистик демократияни мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Кейинги йилларда бизнинг мамлакатимизда бир қанча муҳим қонунлар қабул қилинди. бу қонунлар ижтимоий ҳуқуқ тартибларини мустаҳкамлашга, социалистик жамият нормаларига риоя килишни таъминлашга ёрдам берди. Шу қонунлар туфайли совет граждланларининг ҳуқуқлари социалистик қонунларни бузувчиларнинг ҳамласидан каттик муҳофаза килинмоқда.

Хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш соҳасида партия томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, миллий республикаларда иқтисодий маъмурий районлар барпо қилинганлиги ва уларда Халқ хўжалиги кенгашлари тузилганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси ленинча миллий сиёсат назарияси ва практикасини янада ривожлантиришга қўшилган катта ҳиссадир.

Партиямиз ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келаётганлиги туфайли барча иттифоқчи республикаларда иқтисодий ва маданий ривожланиш соҳасида жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Кейинги 3-4 йил ичида нақадар зўр ўзгаришлар бўлганлигини Ўзбекистон мисолида кўрсатиш мумкин.

Шу вақт ичида республикада пўлат ишлаб чиқариш 2 баравар, қора металлар прокатини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, кўмир чиқариш карийб икки баравар, электр қуввати ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилди. Чопик тракторлари, автомобиль принципларн ва бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Темир йўл, автомобиль, ҳаво транспортлари янада ривожлантирилди. Ўзбекистон Автомобиль транспорти министрлиги системасида бўлган ҳар хил автомобиллар ва автобуслар кейинги уч йил ичида 12 баравар кўпайди.

Партия ва Ҳукумат республика оғир саноатининг етакчи тармоқларини янада ривожлантиришга қаратилган муҳим карорлар кабул килди. Шу карорлар асосида Қайроқкум гидроэлектростанцияси, Охангаронда ёқилги кучи билан ишлайдиган электростанция, Учқўрғон электростанцияси, шунингдек каттик котишмалар, суперфосфат ва шу сингари маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган заводлар сингари катта қурилишлар авж олдириб юборилди.

Жаркоқ — Бухоро — Самарканд — Тошкент магистрал газ қувури қуриш тўғрисида ССР Иттифоқи Министрлар Советининг шу йил 26 июндаги карори Ўзбекистоннинг экономикасини янада ривожлантириш тўғрисида Партия ва Ҳукумат томонидан қилинаётган ғамхўрликнинг янги намунасидир.

Ўзбекистон халқ хўжалигига сарфланаётган капитал маблағларнинг ҳажми анча кўпайди. Халқ хўжалигига биринчи беш йилликда 1 миллиард сўм сарфланган бўлса, бешинчи беш йилликда 9 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. 1957 йилда эса халқ хўжалигига 3 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Қуйидаги рақамлар республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг жуда катта муваффақиятларга эришаётганлигини кўрсатади: пахтанинг ялпи ҳосили 1956 йилда 1955 йилдагига нисбатан 400 минг тоннадан зиёд кўпайди. Пилла етиштириш 14 минг центнер кўпайди. Шу давр ичида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш даражаси ҳам анча ошди.

Колхозчиларнинг турмуш даражаси муттасил яхшиланмоқда. 1953 йилда колхозларнинг пул даромади 7,3 миллиарт сўм бўлган бўлса, 1956 йилда 10,4 миллиард сўмга етди. Колхозларда меҳнат кунининг қиймати шу давр ичида 2 баравардан зиёд ортди.

Фан ва маданият йиллан-йилга муваффақиятли ривожланмоқда. Кейинги уч йил ичида 4 та янги олий ўқув юрти очилди. Олий ўқув юртларида ўқувчилар шу вакт ичида карийб 15 минг киши кўпайди.

Бир қанча илмий-текшириш институтлари барпо қилинганлиги республиканинг илмий ҳаётида катта воқиа бўлди. Янги ташкил этилаётган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академияси қишлоқ хўжалик фанлари, биринчи навбатда пахтачилик соҳасида энг катта илмий марказ — штаб бўлади.

Кейинги икки-уч йил ичида мамлакатимизда бир қанча илмий сессиялар ва конференциялар бўлиб ўтди. Ўлка медицинаси масалаларига бағишланиб ўтказилган биринчи илмий сессия, Ўрта Осиё ва Козоғистон халқлари тарихига бағишланган илмий сессиялар, рус тилида бўлмаган мактабларда рус тилини ўқитишни яхшилаш масалаларига бағишланган биринчи умуминттифоқ илмий конференцияси, ўсимлик моддаларининг химиясига бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси, фармакологлар, физиологлар ва биохимикларнинг Ўрта Осиё илмий конференцияси, СССРдаги пахтакор республикаларда бўлган илмий-текшириш муассасаларининг пахтачилик соҳасидаги ишларини умумлаштирувчи кенгаш ва шу каби илмий сессиялар ва конференциялар республикада илмий ишларни кучайтиришга катта ёрдам берди. Шу йил куза пахтачиликка бағишланган Бутуниттифоқ илмий конференциясини ўтказиш учун ҳозирги вахтда тайёргарлик кўрилмоқда.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Республика партия активининг йиғилиши

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Маълумки, 1956 йилнинг охирида Ўзбекистон зиёлиларининг I съезди ўтказилди. Бу съездда зиёлиларимизнинг ҳамма табақалари билан бир қаторда қардош совет республикаларининг вакиллари ҳам иштирок қилди. Съезд совет зиёлиларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет Ҳукумати тезарагида жипслашганлигини, халқимиз олдига қўйилган жуда катта вазифаларнинг ҳаммасини бажаришда актив қатнашишга тайёр эканлигини кўрсатди.

Яқинда Тошкентда шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ биринчи илмий конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференция шарқшунослик фанини ривожлантиришда катта роль ўйнади.

Совет Иттифоқининг ҳамма республикалари хўжалик ва маданий қурилишда жуда катта муваффақиятларга эришдилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети умуман мамлакатда экономикани ва маданиятни юксалтириш билан бир қаторда ленинча миллий сиёсатни ўтказиш соҳасида ўтмишда йўл қўйилган хаталарни тугатишга, миллий республикаларнинг экономикасини ва маданиятини юксалтиришга кейинги йилларда айниқса алоҳида эътибор бераётганлигини кўрсатади.

Шу муваффақиятларнинг ҳаммаси ҳар бир совет кишисида, чет элдаги дўстларимизнинг ҳар қайсисида қонуний ифтихор ҳиссларини уйғатмоқда, душманларимиз бу ютуқлар тўғрисида ваҳимага тушиб гапирмоқдалар.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз ҳар қачонгидан ҳам тез юксалиб бормоқда. Ҳозирги вақтда совет халқи Партия ва Ҳукумат тезарагида ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашган.

Шундай бир табиий савол туғилади: партия ва мамлакатнинг олий органи составида — КПСС Марказий Комитети Президиумида турган фитначилар группаси мана шундай бир вазиятда партияга қарши ва халққа қарши ҳатти-ҳаракат қилганлигининг сабаби нима?

Бу группанинг ҳатти-ҳаракатини тасодифий, кутилмаган бир ҳол деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Группа қатнашчилари партиядан ва халқдан бутунлай ажралиб қолдилар, партияда, партиянинг раҳбар органи бўлган Марказий Комитетда уларни ҳеч ким қўллаб-қувватламади. Улар Марказий Комитет ўтказаётган тадбирларга анча вақт актив қаршилик кўрсатиб келдилар.

Агар улар ўз ниятларига етишганларида «аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштиришда Америка Қўшма Штатларига етиб олиб, ўзиб кетайлик» деган шиорни дарҳол бекор қилган бўлур эдилар. Халқ хўжалик кенгашларини тарқатиб юборган бўлур эдилар, иқтисодий-маъмурий районлар тузишни бекор қилган бўлур эдилар, ички ва ташқи сиёсатни ўзгартирган бўлур эдилар. Бу эса меҳнаткашларнинг манфаатларига, коммунизм қуриш манфаатларига тузатиб бўлмайдиган зарар етказган бўлур эди.

Улар догматизм ва сектантлик йўлига тушиб олиб, консерваторлик кўрсатиб, умри тугаган иш методларига ва формаларига зўр бериб ёпишиб олиб, партия тадбирларига қарши курашдилар, совет жамиятининг ривожланиш манфаатларидан, бутун социалистик лагерь манфаатларидан келиб чиқаётган ва турмушнинг ўзи туғдираётган янгиликларнинг ҳаммасига қутириб қаршилик кўрсатдилар.

Улар эски тасаввурлар ва методларга асир бўлиб қолдилар, янги шароитни, янги вазиятни кўрмадилар, партия XX съездининг тарихий қарорлари марксизм-ленинизм назариясига, ҳозирги замоннинг ҳал этиш пайти келган вазифаларини амалий ҳал қилишга қўйилган катта ҳисса эканлигини тушунишни истамадилар.

Партияга қарши группа қатнашчилари ички сиёсат соҳасида ҳам, шунингдек ташқи сиёсат соҳасида ҳам партиямизнинг КПСС Марказий Комитети ишлаб чиқан йўлига бевосита ёки бавосита ҳамиша қаршилик кўрсатиб келдилар.

Улар қандай асосий масалаларда Президиумнинг ленинчи ядросига қарши, партияга қарши ҳаракат қилдилар?

Фракциячилар иттифоқчи республикаларнинг иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасидаги, қонун чиқариш соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтиришга қаршилик кўрсатдилар, шунингдек маҳаллий Советларнинг шу вазифаларни ҳал қилишдаги ролини кучайтиришга қарши чиқдилар.

Партияга қарши группа бюрократизм билан курашиш, ҳаддан ташқари кенгайиб кетган давлат аппаратини қисқартириш соҳасида партия ўтказаётган тадбирларга қаршилик кўрсатди, партия ўтказаётган ленинча демократик централизм принципларига қарши чиқди.

Бу группа партиянинг саноатни бошқаришни қайта ташкил қилиш соҳасида бутун партия ва халқ маъқуллаган муҳим тадбирларини бузишга уринди. Фракциячилар социалистик саноат жуда кенг миқёсда ривожланиб кетган ҳозирги вақтда саноатни бошқаришнинг янги, тезкор ҳам такомиллашган, социалистик индустрияни тезкор ҳам зўр куч билан юксалтиришни таъминлайдиган формаларини топиш зарур бўлиб қолганлигини тушунишни истамадилар.

Партияга қарши группа қатнашчилари ички сиёсат соҳасида ҳам, шунингдек ташқи сиёсат соҳасида ҳам партиямизнинг КПСС Марказий Комитети ишлаб чиқан йўлига бевосита ёки бавосита ҳамиша қаршилик кўрсатиб келдилар.

Улар қандай асосий масалаларда Президиумнинг ленинчи ядросига қарши, партияга қарши ҳаракат қилдилар?

Фракциячилар иттифоқчи республикаларнинг иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасидаги, қонун чиқариш соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтиришга қаршилик кўрсатдилар, шунингдек маҳаллий Советларнинг шу вазифаларни ҳал қилишдаги ролини кучайтиришга қарши чиқдилар.

Партияга қарши группа бюрократизм билан курашиш, ҳаддан ташқари кенгайиб кетган давлат аппаратини қисқартириш соҳасида партия ўтказаётган тадбирларга қаршилик кўрсатди, партия ўтказаётган ленинча демократик централизм принципларига қарши чиқди.

Бу группа партиянинг саноатни бошқаришни қайта ташкил қилиш соҳасида бутун партия ва халқ маъқуллаган муҳим тадбирларини бузишга уринди. Фракциячилар социалистик саноат жуда кенг миқёсда ривожланиб кетган ҳозирги вақтда саноатни бошқаришнинг янги, тезкор ҳам такомиллашган, социалистик индустрияни тезкор ҳам зўр куч билан юксалтиришни таъминлайдиган формаларини топиш зарур бўлиб қолганлигини тушунишни истамадилар.

Бир қанча Иттифоқ министрликлари ва идоралари тугатилганлигини, Халқ хўжалиги кенгашлари тузилганлигини, иттифоқчи республикалар Министрлар Советларининг ҳуқуқлари кенгайтирилганлигини, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари уларнинг ихтиёрига топшириб қўйилганлигини, шунингдек маҳаллий Советларнинг роли оширилганлигини партияга қарши группа аъзолари, пролетар диктатурасини заифлантиради, деб ҳисобладилар. Бу даъвонинг бемаънилиги, сиёсий саводсизлиги ҳаммага аёндир.

Аксинча, иттифоқчи республикаларнинг ролини ошириш, шунингдек, маҳаллий Советларнинг ҳам ролини кучайтириш, саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил этиш, ҳеч ким ҳеч нарсани ўзгартирмаган, ҳеч ким ҳеч нарсани ўзгартирмаган, ҳеч ким ҳеч нарсани ўзгартирмаган

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Социалистик Бекобод

Оғир саноат корхоналари шаҳри

К. БЕКАЕВ,

Узбекистон КП Бекобод шаҳар комитетининг секретари

Ҳозирги Бекобод шаҳрининг ўрни яқинлагина деярлик қуп-қуруқ чўл эди. Совет кишиларининг азми билан тарихан қисқа муддат ичида бу ер республикамизнинг йирик индустриал марказларидан бирига айлантирилди. 40 мингга яқин аҳолиси бўлган бу шаҳар ҳозирги пайтда Ўрта Осиёдаги барча маъмурий-иқтисодий районларга кўплаб пўлат, прокат, электр қуввати, цемент, тунука, шифер, асботруба сингари зарур маҳсулотлар етказиб бераётир.

Шаҳарнинг тўнғич корхонаси Ф. Э. Дзержинский номидаги цемент заводи Владимир Ильич Ленин имзо чеккан Декрет асосида қад кўтарди. Улуғ Ватан урушининг энг оғир кунларидан бирида — 1942 йилнинг 18 ноябрида Партия ва Ҳукумат Бекобод қишлоғида Ўрта Осиёдаги энг йирик гидроэлектростанциялардан бирини — Фарҳод ГЭСини қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Бу тарихий қарорни амалга ошириш учун қўрашда Фарғона, Зарафшон ва Чирчиқ водиларининг колхозчилари, республика саноат шаҳарларининг ишчи ва хизматчилари зўр жонбозлик кўрсатдилар. Юзлаб азаматлар табиий шароит, техника етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган ва бошқа қийинчиликларни енгиб, буюк иншоотни тиклаш процессида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. ГЭС қурувчилари ўжар Сирдарёни жиловладилар, мустаҳкам плотина, катта каналин ҳамда қудратли агрегатлар билан ускуналанган электростанцияни жалб қуриб битказдилар.

Бу иншоот қурилиши бирйўла икки асосий вазифани бажаришни таъминлади. Биринчидан, унинг ишга туширилиши билан Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларининг шаҳар ва қишлоқларига миллион киловатт-лаб электр қуввати юборилади-ган бўлди. Айниқса Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ сингари индустриал шаҳарларнинг электр қувватига нисбатан ўсиб бораётган талабларини қондиришда бу станция катта роль ўйнади. Иккинчидан, ГЭС қурилиши муносабати билан Сирдарё сувининг сатҳи анчагина юқори кўтарилди ва Киров номидаги магистрал канал ҳамда Жанубий каналдан сув асрлар бўйи қақраб ётган Мирзачўл ерларига юборилди.

Фарҳод ГЭСи Ўрта Осиё республикаларида саноатни тараққий эттириш, қишлоқларни электрлаштириш ва Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун қураш жуда катта аҳамият касб этди. Мирзачўлни ўзлаштириш ва суғориш учун умумхалқ қураши тобора қизитилаётган ҳозирги пайтда ҳам Фарҳод ГЭСи коллективи шарафли вазифани бажармоқда. Бу станция Мирзачўлни ўзлаштирувчилар ихтиёрига кўплаб сув ва нур етказиб бермоқда. Мирзачўлга юборилаётган электр қувватини янада кўпайтириш мақсадида ГЭС коллективи очиқ подстанцияни реконструкция қилди, ҳар бири 20 минг киловатт-ампер ток ишлаб чиқарадиган иккита 3 обметкалик трансформатор ўрнатди. Тез Мирзачўл электростанцияси қурилгунча Бекобод энергетиклари Мирзачўл қурилишларини электр қуввати билан таъминлаб туради.

Шаҳарда бунёдга келтирилган В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи республикамиз оғир индустриясини тараққий эттиришда янги давр очди. Ўзбекистон ўз пўлати ва прокатига эга бўлди, мамлажатнинг саноат марказидан аввалгига қараганда металл ташиб келтириш анча камайди. Бу завод Ўрта Осиёдаги кўпгина машинасозлик ва металл ишловчи корхоналарни бир неча профилдаги пўлат қуйилмалари ва прокат билан таъминлаб келмоқда. Металлургларнинг ҳар хил тунука ишлаб чиқаришни ҳам тинмай кўпайтирмоқдалар.

Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида шаҳримизда пахта тозалаш заводи, бир неча қурилиш ташкилотлари ҳамда маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бир қанча корхоналар қурилди. 1945 йили расмий суратда Бекобод шаҳри таъсис этилди. Шундан бери ўтган давр ичида шаҳар қиёфаси тўбдан ўзгарди: 50 минг квадрат метр уй-жой қурилди, бир неча касалхона, поликлиника, клуб, кутубхона, кинотеатр, ҳаммом барпо этилди, шаҳардаги мактабларда ҳозир меҳнаткашларнинг 4 мингдан ортиқ ўғил-қизлари билим олмоқда. Бундан ташқари, 500 йигит-қиз ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқда, қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юрти республика қишлоқларига ҳар йили юзлаб малакали механизаторлар етказиб бераётир. Умуман, шаҳарда маданий-оқартув муассасалари тармоғи тинмай кўпаймоқда ва уларнинг маданий ҳаётдаги роли ортиб бормоқда.

Шаҳримиз ишчилари, инженер-техник ходимлари металл, электр қуввати, пахта толаси, момиқ, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қурилиш ҳажмини янада кенгайтириш соҳасида ўтган йиллар мобайнида катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Маълумки, КПСС XX съезди совет халқи олдига халқ хўжалигининг барча соҳаларини зўр бериб ривожлантириш, айниқса оғир индустрияни устун даражада юксалтириш вазифасини қўйди. Съезд томонидан белгиланган олтинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақият билан бажаришда бекободликлар ҳам кўпроқ ҳисса қўшиш учун астойдил курашмоқдалар. Бу соҳада ўтган бир ярим йил мобайнида самарали ютуқларга эришилди.

Олтинчи беш йиллик планнинг биринчи йили топширигини муддатидан анча олдин бажарган ва йил охиригача қўшимча равишда бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот берган Бекобод шаҳар меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини ўтган йилдагидан ҳам юқори кўрсаткичлар билан нишонлаш учун ҳамма куч ва воситаларни сафарбар этмоқдалар. Барча корхона ва қурилиш ташкилотларида бу шонли байрам шарафига ошириб, меҳнат ва ижтимоий ишлаб чиқариш ишларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, ҳар бир цехда, ҳар бир бригадада социалистик соғлом мусобақа кенг ёйилмоқда. Ҳозирги кунларда ишчилар, инженер-техник ходимлар, ишчилар ва хизматчилар ўртасида ҳар бир ишчи ва хизматчи ўз ишини ҳеч қачонгидек ҳушёрлик ва ташаббускорлик билан бажаришга, ишлаб чиқаришнинг барча резервларини ишга солишга, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасини, ҳар бир цехини, ҳар бир бригадасини, ҳар бир ишчини

Республика партия активининг йиғилиши

(БОШИ 1-2-БЕТЛАРДА)

Ўзбекистон комсомол ташкилоти ёшларни жонажон Коммунистик партияга чексиз муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларини тағин ҳам кўпроқ кучайтиради.

Туркистон ҳарбий округининг қўмондони ўртоқ **А. А. Лучинский** сўзга чиқиб айтдики, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми партиямиз тарихига партия сафларининг бирлигини янада мустаҳкамлаш учун, партиянинг ленинча сиёсий йўлини амалга ошириш учун, мамлакатимизда коммунистик жамиятни муваффақиятли қуриш учун кураш пленуми бўлиб киради.

— Мен, — деди ўртоқ Лучинский, — армия большевикларининг вакили бўлганимдан бу ерда шуни айтиб ўтишни ўз бурчим деб ҳисоблайманки, Туркистон ҳарбий округининг коммунистлари Маленков, Каганович, Молотов, Шепиловларнинг партияга қарши фитначи группасига лаънат ўқийдилар ва уларни қоралайдилар, КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг ленинча принципиал йўлини тўла равишда маъқуллайдилар.

Бухоро область партия комитетининг секретари ўртоқ **А. Ризаев** дедики, Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси қилиб келган фитначилик ишларини тугатиш соҳасида КПСС Марказий Комитети Пленуми кўрган чоралар жуда тўғри ва ҳаққоний чоралардилар. Кўпорувчилик ишларини олиб бораётган, олга боришга тўсқинлик қилаётган фракциячиларни партия ўз сафларида қолдирмайди.

— Бухоро область партия ташкилоти, — деди ўртоқ Ризаев, — Марказий Комитет июнь Пленумининг қарорларини якдиллик билан маъқуллаб ,КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида яна ҳам зич жипслашади ва халқ хўжалигини ҳамда маданиятни янада юксалтириш вазифаларини муваффақиятли бажаришни таъминлайди.

Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзи правлениесининг секретари ўртоқ **С. Азимов** КПСС Марказий Комитети ва Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев совет ёзувчиларининг ижодий фаолиятига жуда катта эътибор бериб келаётганликлари ҳақида гапирди. Марказий Комитет ёзувчилар ташкилотини совет адабиётини янада юксалтириш, ёзувчиларимизнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш, сектантчилик, догматизм, қироатхонликни бартараф қилиш йўлига моҳирлик билан йўллаб турибди.

Ўртоқ Азимов дедики, Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси алабиётда партиявийлик принципини инкор қилишга уринаётган ва нотўғри йўлга тушиб кетаётган адабиётчиларни маълум даражада илҳомлантириб келди.

Фарғона область партия комитетининг секретари ўртоқ **Г. И. Сторобогатов** сўзга чиқиб дедики, Марказий Комитет июнь Пленумининг қарорларини барча партия ташкилотлари, ҳамма коммунистлар якдиллик билан қувватлайдилар. Фракциячиларнинг зарарсизлантирилганлиги партия бирлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди, КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида партия томонидан олиб борилаётган бутун ташкилотчилик ишларини янада юксалтиришни таъминлайди.

Фарғона Халқ хўжалик кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССР Министри ўртоқ **Ф. Хўжаев** партиямиз Марказий Комитетининг ленинча ядросига ҳамла қилишга, партия сафларини бузишга журъат қилган фитначилар ва фракциячилар батамом муваффақиятсизликка учраганликларини кўрсатиб ўтди. Партияга қарши группанинг халқдан ажралиб қолган қатнашчилари томонидан қилинган ҳамма ўйдирмаларни бизнинг кун сайин қилиб келаётган ишларимиз, муваффақиятларимиз батамом рад қилади.

Ўртоқ Хўжаев ленинчи Марказий Комитет саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил қилиш тадбирларини амалга ошириб, гоят узоқни кўриб иш қилганлигини айтиб ўтди. Халқ хўжалиги кенгашларини тузиш энг зарур иш бўлди. Бу тадбир саноат ишлаб чиқаришни янада юксалтиришни таъминлайди.

Партия активи йиғилиши қабул қилган резолюцияда КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарори яқдиллик билан маъқулланди. КПСС Марказий Комитети Пленуми Г. М. Маленков, Л. М. Каганович, В. М. Молотовларнинг партияга қарши группаси олиб борган фракциячилик, ихтилофчилик фаолиятини партиямиз ленинча принципларига асло тўғри келмайдиган фаолият деб қоралади.

Партия активи КПСС Марказий Комитети Пленумининг Маленков, Каганович ва Молотов ўртоқларни Марказий Комитет Президиуми аъзолиги составидан ҳамда Марказий Комитет составидан чиқариш тўғрисидаги, ўртоқ Шепиловни КПСС Марказий Комитети Секретари вазифасидан олиб ташлаш ва Марказий Комитет Президиуми аъзолигига кандидатлар составидан ҳамда Марказий Комитет аъзолари составидан чиқариш ҳақидаги қорорини маъқуллайди.

Йиғилиш Узбекистоннинг ҳамма коммунистларини партиямиз сафларининг бирлигини ва монолитлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашга, марксизм-ленинизмнинг енгилмас байроғи остида тағин ҳам зич жипслашишга, КПСС XX съездининг қарорларини амалга ошириш учун янада фидокорона иқдашишга чақирди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида 1957 йилги давлат планларини тўла ва ошириб бажариш, — дейилади резолюцияда, — республиканинг ўз зиммасига олган мажбуриятини ҳеч сўзсиз бажариб, бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида мамлакатга камида 3 миллион тонна пахта бериш республикадаги барча меҳнаткашларнинг энг муҳим вазифасидир.

Республика партия активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети Президиумининг Марказий Комитет Биринчи секретари Н. С. Хрушчев бошчилигидаги янги составига бутун Узбекистон партия ташкилоти номидан тўла ишонч билдирди.

Узбекистон Компартияси ўз сафларини КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкам жипслаштиради, КПСС Марказий Комитетининг бундан буён ҳам содиқ таянчи бўлиб қолади, партиянинг бош йўлини оғишмай ва изчил амалга оширади .

А. Н. ТОЛСТОЙГА ҲАЙКАЛ

3 июлда Москвада отоқли совет ёзувчиси Алексей Николаевич Толстойга қўйилган ҳайкали очиш маросими бўлди. Шу кун Герцен кўчаси билан Качалов кўчаси ўртасидаги скверда, ёзувчи яшаган уйга яқин жойда пойтахтнинг минглаб меҳнаткашлари — ёзувчилар, рассомлар, артистлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, А. Н. Толстойнинг қариндош-уруғлари ва дўстлари тўпланишди.

Митингни Москва Совети Ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Г. Зайцев очади.

Духовой оркестр Совет Иттифоқи давлат гимнини ижро этади. Монумент устига ёпиб қўйилган оқ парда туширилади. Ҳамманинг кўзи олдида А. Н. Толстойнинг бронзадан ясалган ҳайкали намоён бўлади. Москвалик машҳур ҳайкалтарош Г. И. Мотовилов ёзувчини кресло да ўтирган ҳолда тасвирлаган. Ёзувчи узоқларга тикилиб турибди. Унинг чап қўлида қўйин дафтарчаси. Ўнг қўлида қалам.

Ҳайкал ўрнатилган қора ялтироқ гранитга олтин билан шу сўзлар ўйиб ёзилган:

«АЛЕКСЕЙ НИКОЛАЕВИЧ ТОЛСТОЙ 1883—1945»

Митингда СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг масъул секретари А. А. Сурков, СССР Маданият министрининг ўринбосари В. П. Сурин, академик В. В. Виноградов, Москвадаги «Компрессор» заводининг ишчиси А. В. Потапов, отставкадаги авиация генерал-майори Б. Л. Теплинский ва ёзувчи К. А. Федин нутқ сўзладилар. Улар А. Н. Толстойнинг замонамизнинг талантли ёзувчиси, йирик жамоат арбоби, социалистик Ватаннинг ташин ватанпарвари бўлганлигини айтиб бердилар.

Митинг тугади. Ватанпарвар ёзувчи ҳайкали тагига янги гуллардан ясалган гулчамбарлар қўйилди. (ТАСС).

Халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг сессиясида

ПЕКИН, 3 июль. (ТАСС). Халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг сессияси етти кундан бери ўз ишини давом эттирмоқда.

Депутатлар группаларга бўлиниб эрталабдан бошлаб иш олиб бордилар, куннинг иккинчи ярмида эса умумий музокаралар бўлди.

Музокараларда давлат мудофаа комитети раисининг ўринбосари депутат Чжан Чжи-чжун (Гоминданнинг революцион комитети) биринчи бўлиб сўзга чиқиб, ғарб ва чанкайшичилар матбуоти унинг Хитой Коммунистик партияси аъзолари билан партиясизлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги масалага доир яқинда сўзлаган нутқини бузиб кўрсатишга уринганликларини фош қилиб ташлади. Ўнг ва душман пропаганда томонидан бўртириб кўрсатилаётган камчиликларнинг ҳаммаси, деди у, муваққат ва иккинчи даражали камчиликлардир. Коммунистик партия ихтиёридаги кучлар билан ҳозирги мавжуд умумий шароитда бу камчиликларни бемалол тугатиш мумкин.

У, Коммунистик партия Хитойда «диктаторлик қилаётир» деган туҳматни рад қилиб, Хитой Коммунистик партияси ҳамма тадбирларни кенг демократия асосида ўтказиб келмоқда, деди. Мамлакат озод қилингандан кейин, деди Чжан Чжи-чжун, мамлакатда Халқ вакилларининг Умум Хитой мажлиси чақирилди, чинакам демократик конституция қабул қилинди. Диктатор бўлишни истаган партия шундай қилармиди?

Чжан Чжи-чжун Тайвандаги ватандошларни оролни тинч йўл билан озод қилмоқ учун актив курашишга даъват қилди ва Хитой Халқ Республикасида иш услубини тартибга солиш учун бошланган ҳаракат яхши натижаларга эришади, деб ишонч билдирди.

Сўнгра, инженер Юй Кай-цюань сўзга чиқиб, Хитойда олиб борилаётган гидроэнергетика қурилишининг кейинги йиллардаги ютуқларини айтиб берди. Гидроэлектростанциялар, деди у, 1952 йилда бир йил ичида 1.760 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарган эди, шу йилнинг охирида мамлакат гидроэлектростанциялари 4.500 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқаради.

Сўнгра, буддистлар Умум Хитой жамиятининг раиси Шао Цзя-цо сўзга чиқиб, асосан будда динидаги майда миллатлар яшаб турган районларда халқ ҳокимияти органлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Шанхай тўқувчиси меҳнат аълочиси Чжу Цзю Хитой озод қилинмасдан олдин ва озод қилинганидан кейин ишчи хотин-қизларнинг турмуш ва иш шароити қандай бўлганлигини айтиб берди. Ҳэнань вилояти халқ бошқармасининг раиси У Цзи-фу социалистик ўзгаришларни амалга ошириш соҳасидаги ҳамда Ҳэнань вилоятида табиий офатларга қарши кураш соҳасида 1956 йилда эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирди.

Лионин вилояти халқ бошқармаси раисининг ўринбосари Нин У ўнг унсурларнинг хуружларини қатъиян қоралади ҳамда Лионин вилоятининг қишлоқ хўжалиги, саноати, маданияти ва маорифи соҳасидаги ҳақиқий аҳволдан олинган фактларни келтириб, туҳматчиларнинг уйдирмаларини рад қилди. Амой университетининг ректори Ван Ян-ань сўзга чиқиб, зиёлиларни мафкуравий қайта тарбиялаш йўллари ҳақида гапирди. Хубэй вилоятидаги қишлоқ хўжалик кооперативининг раиси Жао Синь-ли, деҳқонлар ҳамиша Коммунистик партия йўлидан борадилар, деб ишонтирди.

Эртага сессия ўз ишини давом эттиради.

Ёшларнинг тинчлик эстафетаси Иркутскка келди

ИРКУТСК, 3 июль. (ТАСС). Ёшлар ва студентлар VI Жаҳон фестивали шарафига ўтказилаётган эстафетанинг маршрутларидан бири Корея Халқ-Демократик Республикасидаги Паньминьчжонь шаҳридан бошланди. Бузилмас дўстлик символи бўлган фестивалнинг эсдалик вимпеллари ичига солинган эстафетанинг темир таёқчаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси орқали олиб ўтилди. Мўғулистон Халқ Республикаси билан СССР чегарасидаги Кяхта шаҳрида бу таёқчани Бурят-Мўғулистон АССР спортчилари қабул қилиб олдилар.

Тинчлик эстафетаси бугун Иркутскка келди. Уни ДОСААФ самолётида Улан-Удэдан олиб келдилар. Бурят-Мўғулистон командасининг капитани ўртоқ Матвеев эстафетани Иркутск областининг вакили спорт мастери Потапов қўлига топширди.

КОСМИК НУРЛАРИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

РИМ, 3 июль. (ТАСС). Варенна шаҳрида (Италия) космик нурларини ўрганишга бағишланган конференция бўлиб ўтди. ЮНЕСКО ҳузуридаги назарий ва амалий физика халқаро иттифоқи томонидан чақирилган бу конференцияда жаҳоннинг космик нурлар соҳасида ишловчи энг атоқли физиклари қатнашди. СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси С. Н. Вернов бошчилигидаги совет делегацияси конференция ишларида актив иштирок қилди. Совет олимлари конференцияда 20 га яқин доклад қилдилар. Бу доклаллар катта қизиқиш туғдирди ва қизғин муҳокама қилинди. Конференция ишчанлик вазиятида ўтди ва турли мамлакатларнинг олимлари ўртасида илмий алоқалар ўрнатишга ёрдам берди.

Шимолий Италияда сув тошқини

РИМ, 3 июль. (ТАСС). «Унита» газетасининг хабар беришича, Ломбардия, Венеция, Эмилия—Романья, Тоскана, Лацио, Марке ва Абруцци э Молизе вилоятларида сув тошқини натижасида 7,3 миллион центнер дон, 6,5 миллион центнер узум нобуд бўлган. Пьемонт вилоятида қишлоқ хўжалигига етказилган зарар 60 миллиард лира ҳисобланади, бу эса бутун вилоятда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан олинадиган йиллик ўртача даромаднинг 20 процентига баравардир. Трентино-Альто Адидже вилоятида сув тошқини ва совуқлар натижасида мева ҳосили 76 процент камайган. Мамлакатнинг бошқа бир қанча вилоятларида ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг анча қисми нобуд бўлган.

«Унита» газетаси сув тошқинидан зарар кўрган зоналарга ёрдам бериш юзасидан ҳукумат томонидан кўрилаётган чоралар мутлақо етарлик эмаслигини таъкидламоқда.

Мисрда сайлов

ҚОҲИРА, 3 июль. (ТАСС). Бугун Мисрда Миллат мажлисига сайлов ўтказилаётган кун. Бу сайлов король Фарук ҳайдаб юборилгандан кейин ва Миср республика деб эълон қилингандан кейин мамлакатда ўтказилаётган биринчи умумий сайловдир. Сайлов одий иш кунида ўтказилади, аммо фабрика ва завод эгаларига, корхона ва муассасаларнинг раҳбарларига ишчи ва хизматчиларнинг сайловда қатнаша олишлари учун уларга вақт берилиши ҳақида кўрсатма берилган. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ва сайловчилар рўйхатига киритилган эркакларнинг овоз бериши мажбурийдир. Миср тарихида биринчи марта хотин-қизлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлдилар. Матбуотнинг хабар беришича, сайловчилар рўйхатида 5,5 миллионлан ортиқ киши рўйхатга олинган. Бироқ бугун сайловда сайловчиларнинг ҳаммаси қатнашмайди, чунки 350 сайлов округидан фақат 270 тасидагина сайлов ўтказилади. Ҳар бирида 1 талан кандидати бўлган 75 сайлов округида кандидатлар овоз берилмасдан сайланган ҳисобланади. 5 округда сайлов кейинчалик ўтказилади.

270 сайлов округида овозга қўйилаётган 1160 кандидат орасида хотин-қизлардан 5 киши бор. Ҳар бир сайлов округида 2 талан 10 тагача кандидат овозга қўйилади.

Эрталаб соат 8 да сайлов участкаларининг эшиклари очилди ва сайловчилар овоз беришга киришдилар. Биз Қоҳиранинг Шубра, Гиза, эски Қоҳира районларидаги бир неча сайлов участкасига бордик. Ҳамма жой одамлар билан гавжум эди. Сайловчилар овоз беришда балан рух билан қатнашмоқдалар. Сайловнинг узил-кесил натижалари янаги ҳафтада эълон қилинади.

Қисқа хабарлар

* Синьхуа агентлигининг хабар беришича, 3 июлда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай Хитойда меҳмон бўлиб турган собиқ япон ҳарбий хизматчилари делегациясини қабул қилган.

* «Кейхан» газетасининг хабар беришича, ишчиларнинг уч кунлик забастовкасидан кейин Теҳрондаги гишт заводларининг эгалари турли категориядаги ишчиларнинг иш ҳақини 12,5 процентдан 30 процентгача оширишга рози бўлганлар.

* Сувайш канали орқали ҳар куни жаҳондаги кўп мамлакатларнинг байроқлари остида ўнлаб кемалар ўтиб турибди. 3 июлда канал орқали рекорд миқдорида — 62 та чет эл кемаси ўтди. Қоҳира радиосининг хабар беришича, канал ишлай бошлаганидан кейинги дастлабки икки ой ичида кемаларнинг каналдан ўтганлиги учун олинадиган йиғимлардан иборат даромад 3 миллион миср фунтини ташкил этган.

4 июль. (ТАСС).

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Г. М. Маленковни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва СССР Электростанциялар министри вазифаларидан озод қилди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Алексей Сергеевич Павленкони СССР Электростанциялар министри қилиб тайинлади.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ШОНАНИ ГУЛГА, ГУЛНИ КЎСАККА АЙЛАНТИРАЙЛИК!

Қизғин иш бормоқда

Бўка районидаги Хрушчев номли колхоз аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Мактуби асосида ғўза парваришини янада кучайтириб юборишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу ерда ҳам ишлар ҳали ҳаво салқин, авжи ишлайлик палла эди. Афсуски, бўлим далаларида шундай аҳволни кўрмадик. Ҳар иккала бригадада ҳали ҳайдовчиси уйқудан уйғонмаган «универсал»лар тўхтаб турибди, чопиқ қилаётган бир киши ҳам кўринмайди, бригада бошлиқлари ҳали далага келмаган.

Ҳар иккала бригадада ҳам кўчати 20—30 процент сийрак бўлган йирик-йирик карталардаги ғўзаларни зарпечак, бегана ўтлар қоплаб ётибди, ривожи паст, бу ғўзалар 15—20 кунлаб ўсишдан қолган.

Чопиқ, культивация ўз вақтида ўтказилмагани устига, тўйдириб озиқлантирилмаган, қондириб суғорилмаётган ғўзалар қандай қилиб ҳам эркин ривожлансин?!

Биз бўлимда эгатлар ораси номигагина тирнаб ўтилган карталарни учратдик. Совхоз бошланғич партия ташкилатининг секретари ўртоқ Ш. Облоқуловнинг айтишича, бу карталарни ўртоқ Собиров «культивация» қилган экан: ғўза туплари ининг тагги юмшатилмапти, бегона ўтларнинг илдизи ўлдирилмапти, ахир бундай сифатсиз культивациянинг ўсимликка қандай манфаати бор? Ахир бу, қимматли вақтни беҳуда ўтказишдан, ортиқча ҳаражатдан, кишини алдашдан иборат эмасми?!

Маълум бўлишича, ўртоқ Собиров ҳамма вақт ишга кеч чиқиб, эрта қайтар экан, ўзини ҳар томонга ташлаб, белгиланган кундалик нормасини бажармас экан, бунинг устига доим бракка йўл қўяр экан. Ўртоқ Собировнинг мана шунақа нотўғри йўлга кириб кетишига ким сабабчи? Тўғридан-тўғри айтиш мумкинки, бўлим бошлиғи ўртоқ С. Макоов, қолаверса совхоз раҳбарлари сабабчи. Чунки, совхозда Собировга ўхшаган 4-бўлимда хизмат қилаётган Мужиков каби такасалтанг, ишёқмас универсалчиларнинг таноби тартиб қўйилмаган. Ҳамма гап шундаки, раҳбарлар бажарилаётган ишлар устидан ўз вақтида контроллик қилиб бормаяпгилар, бракка йўл қўяётган механизаторларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаяпти.

Сифатсиз культивация қилингани туфайли ўт босган ғўзаларни ўртоқ Я. Ялқавов раҳбарлик қилаётган учинчи бўлимда ҳам кўриш мумкин. Раҳматов, Қурбонов, Ҳайитов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда қарийб 100 гектарга яқин ердаги ғўза ўт ичида сарғайиб ётибди. Шу хилдаги ўт босиб, ўсишдан қолаётгани ғўзалар совхоз бўйича 600 гектарни ташкил этади.

Совхозда пахтада ишлаши лозим бўлган 92 «универсал» бор экан. Шу «универсал»лардан бир кунда 62 таси ишлаб, 206 гектар ердаги ғўзани культивация қилибди, 226 гектар ерда эгат очибди, халос.

Совхоз раҳбарлари (директори ўртоқ Я. Хамидов) техникадан унумли фойдаланишга етарли эътибор берганларида, тўхтаб турган 30 та «универсал»ни ишга тушириб юбориш ҳақида бош қотирганларида эди, ғўзалар шунчалик ўт ичида қолиб, нимжон бўлиб қолмаган бўларди.

Ўртоқ Абдуллаев бригадасининг «моҳир сувчиси» навбатдаги суғоришга йўл олди...

Шуни ҳам айтиш керакки, совхознинг кўпгина бригадаларида сув исрофгарчилигига ҳам йўл қўйилмоқда. Бунга яна ўша бешинчи бўлимнинг ўртоқ Абдуллаев бошлиқ бригадаси мисол бўла олади. Катта картада сув қўллаб ётибди, ғўзаларнинг учи кўринмайди. Сувчидан эса дарак йўқ, у кечаси эгатларга сув тараган, кундузи хабар олиш учун ҳали келгани йўқ...

3-«Боёвут» совхозининг раҳбарлари ҳозирги ҳал қилувчи кунларда йўл қўйилаётган камчиликларни тезда тугатиш учун курашишлари, ғўзаларни ўтдан тозалаб, мўл ҳосил тўплашга эришишлари керак.

Ўртоқ Уризбиев раҳбарлик қилаётган 1-«Боёвут» совхозида ҳам асосий майдонлардаги ғўзаларни худди 3-«Боёвут» совхозидаги каби ўт босиб кетган. Айниқса, ўртоқ Н. Сучков бошлиқ бўлимнинг Рахматов, Жўраев, Холмўминов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида аҳвол ачинарли. Бу бригадаларда 120 гектар ордаги ғўза ўт ичида қолган.

Ўртоқ Сучков бошлиқ бўлимда 590 гектар ердан 309, ўртоқ Н. Умиров бошлиқ бўлимда эса 280 ўрнига 139 гектар ердаги ғўза кўндалангига культивация қилинган, халос. Шунинг учун экин ўт ичида қолиб, яхши ривожланмаётир.

Хўш, нима учун аҳвол шунақа? Ёки техника етишмайдими? Йўқ, техника етарли, ҳамма гап ана шу техникадан ёмон фойдаланилаётганлигида!

Совхозда ғўза парвариши ҳаддан ташқари кечикаётганлигига ишчи ва механизаторларга қулай иш шароити яратиб берилмаганлиги ҳам ёмон таъсир кўрсатмоқда.

Сучков, Умиров ўртоқлар бошлиқ бўлимларда жиҳозланган дала шийпонлари йўқ, бунинг устига иссиқ овқат ташкил қилинмаган, Ана шунинг учун ҳам ишчи ва механизаторлар қимматли вақтларини бекорга ўтказиб, уйларига қатнаб овқатланиб келишга мажбур бўлаётирлар.

Биз ҳар иккала совхозда бўлганимизда ҳам биронта «универсал»нинг теппасига соявон ўрнатилганлигини кўрмадик. Механизаторлар иссиқ қуёш тигида ишлашга мажбур бўлаётирлар.

Агар совхоз раҳбарлари мана шулар ҳақида чинакамига ўйлаб кўрганларида яхши иш қилган бўлар эдилар...

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари совхозларда юз бераётган ана шу камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўришлари, июль ойи ичида барча майдонлардаги ғўзаларни бир текис кўсаклатиб олишга эришишлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

Ғўза парваришидаги қолоқлик тезда тугатилсин

Далалардан дараклар

ОРЖОНИКИДЗЕ. Ишни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этган хўжаликлар ғўза парваришида кундан-кунга яхши натижаларга эришмоқдалар. Ёнариқ қишлоғидаги колхознинг илғор бригада ва звеноларида олиб борилаётган ишлар бунинг ёрқин далилидир. Колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Гафур Қодиров бошлиқ бригадасида ғўза парвариши айниқса намунали олиб бориляпти. Бригада аъзолари ғўзани навбатлаги комплекс парваришдан чиқариш учун дала ишлари суръатини тезлаштириб юбордилар.

Ю. МАҲКАМОВ,
М. СОДИҚОВ.

* * *

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК. «Социализм» совхозида ғўзани дастлабки культивациядан чиқариш ҳамда чопиқ, озиқлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар муваффақиятли томомланди. Ғўзанинг ўсишидаги кечикишни тугатиш юзасидан белгиланган қатор тадбирлар жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Бу ишда совхознинг ўртоқ Н. Ҳусанов бошлиқ бригада аъзолари яхши натижаларга эришаётирлар. Бу ерда ҳар куни 12-14 гектар майдондаги ғўза культивация қилинмоқда.

А. КУЧАРОВ,
Х. РЎЗИЕВ,
Х. АБДУҲОЛИҚОВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино — 5/VII да **Гамлет**, 6/VII да **Ганг дарёсининг қизи.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/VII да **Фарҳод ва Ширин**, 6/VII да **Уйқудаги гўзал.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/VII да **Зафар**, 6/VII **Равшан ва Зулхумор.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун кенг экранли рангдор фильм **Илья Муромец.**

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз ва кечқурун **У сизни севади**, кеч соат 10-20 минутда **Кемалар қалъаларни штурм қилади.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 5 гача **Ешликка саёҳат**, кеч 6—40 минутда **У сизни севади.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **У сизни севади.**

ВАТАН», «ХИВА», «1 МАЙ» — **Ешликка саёҳат.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
6 ва 7 июлда
Ўзбекистон халқ ҳофизи
МАЪМУРЖОН УЗОҚОВ
КОНЦЕРТЛАРИ
Концертда: Ўзбекистон СФРда хизмат кўрсатган артист **Муҳамаджон Мирзаев**, солистлардан **Башорат Хўжаева, Тўхта Рисметова, Муҳаббат Мусаева** ва бошқалар қатнашади.
Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

3-ТЕГИРМОН ЗАВОДИГА ИШЧИЛАР КЕРАК
Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.
Тошкент шаҳри, Ульяновская кўчаси, 48-уйда кадрлар бўлимига эрталаб соат 9 дан кеч 5 гача келиб учрашилсин.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03568 «Қизил Ўзбекистон, «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1839.